

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI



I
SON

2024

Elektron ilmiy-ommabop jurnal

123-456-7890
@reallygreatsite
www.reallygreatsite.com



**DEMOGRAFIYA
VA MEHNAT
BOZORI**

**2024-yil
1-SON**

Elektron ilmiy-ommabop jurnal
Электронный научно-популярный журнал
Electronic popular science journal

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

TAHRIR HAY'ATI:

Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,
Maxkamov Baxtiyor Shuxratovich, i.f.d., prof.,
Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,
Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,
Bobonazarova Jamila Xolmurodovna, i.f.d., prof.,
Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,
Bekmurodov Adxam Sharipovich, i.f.d., professor
Axmedov Durbek Quدراتillaevich, i.f.d., professor
Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich, i.f.d., prof.
Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor
Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor
Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)
Ergashxodjaeva Shaxnoza Djasurovna, i.f.d., professor
Tomash Kuchera, i.f.d., professor (Chexiya)
Abrorov Sirojiddin Zuxriddin o'g'li, PhD
Xodjayeva Nodiraxon Abdurashidovna, i.f.n., dotsent
Qurbonov Samandar Pulatovich, PhD, dotsent
Ashurzoda Luiza Muxtarovna, PhD, dotsent
Ismailova Nilufar Sobitdjanovna, i.f.n.
Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li, PhD
Asqarova Muhabbat Ibraximovna,
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li,
Xolmatov Muhridin Mo'min o'g'li,

MUNDARIJA

Абдурахманов Каландар Ходжаевич, <i>«Человеческий капитал в условиях цифровизации экономики».....</i>	4
Umurzakov Bahodir Xamidovich, <i>O'zbekistonda demografik rivojlanishning ta'lim tizimiga ta'sir etish jihatlari.....</i>	20
Usmanov Anvar Saidmahmudovich, Bahriddinova Muazzam Azam qizi, <i>Dunyodagi demografik vaziyat va uning rivojlanish istiqbollari.....</i>	34
Зокирова Нодира Каландаровна, Шакаров Зафар Гаффорович, <i>Человеческий капитал в условиях внедрения искусственного интеллекта: вызовы и перспективы.....</i>	46
Мамадалиева Хафиза Холдаровна, <i>Авлодлараро трансферлар ўзбекистон иқтисодиётини ўзгартириш шароитида камбағалликни бартараф этиш воситаси сифатида.....</i>	62
Юлдашев Нурбек Нормуродович, <i>Аҳолининг яқка тартибдаги тадбиркорлик (ЯТТ)ни ташкил этиши ва ўзини ўзи банд қилишининг яширин иқтисодиётни қисқаришига таъсири.....</i>	79
Ташбаева Рано Гайбуллаевна, <i>Многомерная бедность как индикатор социального благополучия населения Республики Узбекистан.....</i>	89
Камилова Наргиза Абдукахоровна, <i>Конкурентоспособность стран в мировом хозяйстве в условиях цифровизации экономики.....</i>	98
Rozmatova Umida Yuldashevna, <i>Nomoddiy aktivlar hisobini shakllantirish.....</i>	105
Mirzayeva Matluba G'aybulla qizi, <i>Banklar faoliyatida raqamli texnologiyalarni qo'llash orqali aholini bandligini ta'minlash.....</i>	112
Yunusova Ug'iloy Bolqiboy kizi, <i>The impact of increasing the competitiveness of tourist areas on the level of employment.....</i>	121
Chinorova Shahodat Mansur qizi, <i>The role of higher education institutions in enhancing the attractiveness of human capital.....</i>	130
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir ugli, <i>The use of digital tools in the management of migration processes.....</i>	136
Asqarova Muhabbat Ibraximovna, <i>O'zbekistonda demografik jarayonlarning hududiy tahlili.....</i>	143

АВЛОДЛАРАРО ТРАНСФЕРЛАР ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЎЗГАРТИРИШ ШАРОИТИДА КАМБАГАЛЛИКНИ БАРГАРАФ ЕТИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

*Мамадалиева Хафиза Холдаровна-
Меҳнат бозори тадқиқотлари институти
директор ўринбосари, и.ф.док.*

Аннотация. Ушбу мақолада авлодлараро иқтисодий муносабатлар масалалари энг долзарб масалалар қаторида бўлиб, улар нафақат фарзандлар тарбияси учун ота-оналарнинг, балки кичик авлоднинг катта авлод олдидаги масъулиятининг иқтисодий жиҳатларини ўз ичига олади. Шундан келиб чиқилдиган бўлса, олимлар ва мутахассисларнинг авлодлараро трансфертларни икки йўналишда, кичик авлодларга, яъни куйига, ҳамда катта авлодга, яъни юқорига йўналтирилган трансфертларни ўрганиш кераклиги тўғрисидаги фикрлари ўринли эканлиги таъкидлаб ўтилган. Шунингдек мақолада социологик тадқиқот натижалари ҳам кенг ёритиб берилгани аҳамиятга молиқдир.

Калит сўзлар. Авлод, ота-она, авлодлараро трансфертлар, уй ҳўжаликлари, социологик тадқиқотлар.

МЕЖПОКОЛИТЕЛЬНЫЕ ТРАНСФЕРЫ КАК ИНСТРУМЕНТ РАЗВИТИЯ БЕДНОСТИ В МЕНЯЮЩЕЙСЯ ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

*Мамадалиева Хафиза Холдаровна-
док.э.н., Институт исследований рынка труда
заместитель директора.*

Аннотация. В этой статье К числу наиболее актуальных вопросов относятся межпоколенческие экономические отношения, они включают в себя экономические аспекты ответственности не только родителей за воспитание детей, но и подрастающего поколения к старшему поколению. Исходя из этого, было отмечено, что уместны мнения ученых и специалистов о необходимости изучения межпоколенческих трансфертов в двух направлениях, к младшим поколениям, то есть к низшему поколению, и к большему поколению, то есть вверх. Примечательно также, что в статье широко освещаются результаты социологических исследований.

Ключевые слова. Поколение, родители, межпоколенные трансферы, домохозяйства, социологические исследования.

INTERGENERATIONAL TRANSFERS AS A MEANS OF ALLEVIATING POVERTY IN THE CONTEXT OF CHANGING THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Mamadaliyeva Khafiza Khaldarovna
Doctor of economics, Institute of Labor
Market Research deputy director.

Annotation. In this article Intergenerational economic relations are among the most pressing issues, they include the economic aspects of the responsibility of not only parents for the upbringing of children, but also of the younger generation to the older generation. Based on this, it was noted that the opinions of scientists and specialists about the need to study intergenerational transfers in two directions, to the younger generations, that is, to the lower generation, and to the larger generation, that is, upwards, are appropriate. It is also noteworthy that the article provides extensive coverage of the results of sociological research.

Keywords. Generation, parents, intergenerational transfers, households, sociological studies.

Кириш. Ҳозирги кунда авлодлараро трансфертлар муаммосининг долзарб эканлиги кейинги ўн йилликларда кўзга ташлана бошлаган иккита тенденция, яъни оилаларда болалар сонининг камайиб бошлаганлиги, ҳамда ўртача умр давомийлигининг узайганлиги билан белгиланади. Ўзбекистонда ҳам авлодлараро трансфертларнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар кенгайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Биринчи навбатда республикада иқтисодий ўсишнинг жадаллашаётганлиги бунинг учун асос бўлмоқда. Бундан ташқари аҳолининг ёш таркиби яхшиланиб бормоқда. Давлат статистика кўмитасининг маълумотларига кўра мустақиллик йилларида аҳолининг умумий сониди меҳнатга лаёқатли ёшдагилар улуши ортиб борди. Бу даврда уларнинг улуши 12,5 фоиз бирликка ошди ва 2016 йилда 61,7% га етди[2]. Бундай ҳолат боқимандалар улушининг камайиб, ишловчилар сонининг ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Адабиётлар таҳлили. Авлодлар ўртасидаги муносабатларни 19-20 асрлар оралиғида россиялик таникли иқтисодчи А.В.Чаянов деҳқон хўжаликлари мисолида ўрганиб бошлаган. Кейинчалик (1920 йилларда) немис социологи Карл Маннинггейм авлодлар ижтимоий жараёнлар эволюциясининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, деган фикрни илгари сурди ва авлодлар масаласи бу ижтимоий ва интеллектуал ҳатти – ҳаракатларни яхши тушуниш учун бебаҳо қўлланма вазифасини ўтайди, деган хулосага келди[1].

Ота-оналарнинг фарзандларига йўналтирилган инвестициялари ва бунга жамиятнинг муносабати масаласини ўрганиш муҳим вазифалардан саналади. Бунда оиланинг фарзандлари келажаги учун инвестиция қилишга, уларни оила қуриши ҳамда ўқиши ва касб эгаллашида қўллаб-қувватлашга етадиган маблағлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга ёш авлоднинг кекса авлод, шу жумладан ота-оналар олдидаги мажбуриятларини қандай бажараётганлиги, бу борада оилаларда мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Авлодлараро трансфертлар микро даражада, оила ва яқин қариндошлар ўртасида қандай шаклланиши, оила ўз фарзандлари ва уларнинг келажаги тўғрисида фарзандлар эса ота-оналари тўғрисида қандай ғамхўрлик қилиши, уларнинг мотивацияси қандайлиги, давлат бу борада қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Мана шу масалалар 2017 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларида ўз аксини топди. Туманлар даражасида оилаларни танлаб олишда улардаги оилалар сонидан келиб чиқилди. 2016 йил бошида туман аҳолисининг сони 361,7 минг кишини, шу жумладан, шаҳар аҳоли пунктларида – 160,1 минг киши (31,8 минг аҳолига эга бўлган Келес шаҳри, аҳолиси 128,3 минг киши бўлган 21 та шаҳар типидagi поселка), қишлоқ жойларда эса 201,6 минг кишини ташкил этди. Оила аъзоларининг ўртача сонидан келиб чиқиб ҳисоблаганда оилаларнинг сони шаҳарда 32 мингтани, қишлоқ жойларда эса 36 мингтани ташкил қилди. Дунё амалиётидан келиб чиқиб қараладиган бўлса, тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинган объектлар умумий ҳажмининг 0,1 фоизидан кам бўлмаслиги керак[3]. Шундан келиб чиқиб, танлаб олиниши керак бўлган оилаларнинг минимал сони шаҳарда 35 та ва қишлоқда 40 та оила, жами 75 та деб белгиланди. Лекин, ҳақиқатда социологик тадқиқот 200 та оилани қамраб олди, шу жумладан, Келес шаҳрида – 75, шаҳар типидagi поселкаларда – 85 та (Ўртаовулда – 50 та оила, Эшонгузарда – 35 та оила), қишлоқ аҳоли пунктларида – 40 та оила. Натижада, тадқиқот учун танлаб олинган оилалар умумий оилаларнинг 0,3% ни ташкил етди. Сўров ўтказиладиган объект умумий қабул қилинган схема бўйича, яъни, аввал ҳудуд, сўнг оилалар (уй хўжаликлари), танлаб олинди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилинди. Статистик маълумотларни таҳлил қилиб, ҳудудлар кесимида ўзаро таққослаш усули, социологик тадқиқот усулидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, социологик тадқиқот воситалари ишлаб

чиқилди. Икки турдаги сўровнома тайёрланди: 1) катта авлод вакилларида интервью олиш учун; 2) ёш авлод вакилларида интервью олиш учун. Сўров бирлиги сифатида индивид, тадқиқот бирлиги сифатида уй хўжалиги белгиланди. Индивидуал сўров тури танланди, яъни кишилар гуруҳидан эмас, бир кишидан интервью олинди.

Ўтказилган тадқиқот материаллари таҳлили танланган 200 та уй хўжалигида 1,3 минг киши, шу жумладан, шаҳарда - 1066 киши, қишлоқда - 269 киши яшашлигини кўрсатди. Шаҳарда битта уй хўжалигига 5,7 дан 7,0 гача, ўртача 6,7 киши тўғри келди, қишлоқ жойларда ҳам ўртача 6,7 тадан киши. Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқ оилаларида кишилар сони деярли бир хил, негаки шаҳарларда кам аҳоли яшайди ва шаҳар билан қишлоқнинг турмуш тарзи деярли фарқ қилмайди.

Тадқиқот ўтказилган уй хўжаликларида эркеклар улуши нисбатан катта бўлиб, шаҳарда улар 52,2%ни, қишлоқ жойларида - 54,3%ни ташкил этади. Танланган уй хўжаликлари аъзоларининг аксарияти 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилардир. Бундай ҳолат оилаларнинг етарлича меҳнат салоҳиятига эга эканлигини кўрсатади. Туман аҳолиси учун трансфертлар муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда, негаки уй хўжалиги аъзоларидан ҳар бешинчиси ҳеч қандай даромадга эга эмас ва оиланинг бошқа аъзолари қарамоғида яшаб келади. Оиланинг қарамоғида бўлганлар сони шаҳар оилаларида кўпроқ бўлиб, уларнинг асосий қисмини болалар ташкил этади. Респондентларнинг аксарияти оилали бўлиб, қишлоқда - 82,5%, шаҳарда - 78,1%ни ташкил этади. Танланган оилаларда ажрашганлар улуши катта эмас: шаҳарларда - 1,9%, қишлоқда - 5,0 %ни ташкил этади. Танланган ҳудудларда расмий никоҳлар устувор бўлиб, бу Ўзбекистон аҳолисининг оилавий ҳолатининг хусусиятига мос келади. Фуқаролик никоҳлари 7,6% ни ташкил қилади. Норасмий никоҳларнинг ҳам мавжуд эканлиги жаҳон миқёсида кечаётган глобал жараёнлар республикадаги оила - никоҳ муносабатларига ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатаётганлигидан далолат берди.

Социологик тадқиқотда турлича оилаларнинг аъзолари иштирок етди. Улар тасодифий танлов асосида олинган бўлсада, оилалар таркиби бўйича олинган маълумотлар ўттиз йил давомида республикада аҳолини рўйхатдан ўтказиш амалга оширилмаганлиги сабабли жуда муҳим ҳисобланади. Бундай шароитларда социологик тадқиқот материаллари аҳолининг оилавий таркибидаги янги тенденциялар тўғрисида тасаввурлар беради. Туманнинг шаҳар жойларида ҳам, қишлоқ жойларида ҳам 5 ва 7 кишидан иборат оилалар улуши катта. Шу билан бирга 7 ва ундан кўп аъзоси бўлган катта, анъанавий оилалар ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Шаҳар жойларида катта оилалар улуши қишлоқ жойларидагига қараганда кўпроқ эканлиги ҳам маълум бўлди. Уй хўжаликлари бошлиқларининг асосий қисми юқори маълумотга эга. Эркакларнинг тўртдан уч қисми ва аёлларнинг учдан икки қисми олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Шу билан бирга, эркакларнинг 23,2% ва аёлларнинг 20,0% ўрта маълумотга, аёлларнинг 2,2% эса ҳеч қандай маълумотга эга эмасликлари ҳам кўринди. Уй хўжалик бошлиқларининг учдан бири (37%) ёш бўйича нафақага чиққанлардан иборат. Иш билан банд бўлган оила бошлиқларининг катта қисми давлат секторида хизмат қилиши, бир қисми эса тадбиркорликнинг турли соҳасида фаолият олиб бориши маълум бўлди.

Уй хўжаликлари аъзоларининг ярми (53%) иқтисодиёт соҳасида банд бўлиб, давлат секторида банд бўлганлар улуши ёлланиб ишлаётганларга нисбатан 4 мартага кўпроқ. Шу ўринда касаначилик билан банд бўлганлар сонининг кам эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Республикада иш билан бандликнинг оила аъзолари бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишга хизмат қиладиган фаолият турларини, жумладан, касаначиликни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилишига қарамай ушбу ҳудудда касаначилик етарли даражасида ривожланмаган.

Тадқиқот давомида авлодлараро трансфертлар ўтказилган социологик сўров натижалари бўйича икки йўналишда, кичик авлодларга, яъни қуйига, ҳамда катта авлодга, яъни юқорига йўналтирилган инвестициялар сифатида кўриб чиқилди. Катта авлод вакилларининг фарзандларига кўрсатадиган ёрдами миқдосига таъсир қилувчи энг асосий омил бу уларнинг маълумот даражасини юқори эканлиги ҳисобланади. Олий маълумотга эга бўлган катта авлод вакилларининг бундай маълумотга эга бўлмаган тенгдошларига қараганда, оиланинг кейинги авлодларига ёрдам кўрсатиш эҳтимоли анча юқори бўлади.

Маълумот даражаси қанча юқори бўлса, фарзандларга моддий ва маънавий ресурсларни меърос қолдириш имконияти шунча юқори бўлади. Фарзандларга қилинадиган инвестициялар оиланинг иқтисодий ҳолатига бевосита боғлиқ, негаки фақат етарли даражада даромадга эга бўлган оилагина болаларининг келажагига кўшимча маблағ йўналтира олади. Социологик тадқиқот ўтказилган оилаларнинг кўпчилиги фарзандлар учун инвестиция йўналтиришга қодир эканлиги маълум бўлди. Шаҳар жойларида ҳам, қишлоқ жойларида ҳам уй хўжалиқларининг моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси анча юқори эканлиги, даромади паст бўлган оилалар улуши унча катта эмаслиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари уй хўжаликлари иқтисодиёти асосан иккита манба ҳисобига, яъни оила ичида ва оила ташқарисида шаклланишини кўрсатди. Хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, томорқа хўжалиги оиланинг ички даромадини шакллантиради. Иш ҳақи, ижтимоий тўловлар ва бошқа тушумлар ташқаридан келадиган даромадлар ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, даромадлар ва харажатлар ўртасида балансни сақлаш катта аҳамият касб этади.

Шаҳар жойларида ҳам, қишлоқ жойларида ҳам оиланинг қўшимча даромадлари мавжуд эканлигини кам сонли уй хўжаликлари таъкидлаганлар. Кўришиб турибдики, уй хўжаликларининг асосий даромадлари иш ҳақи, пенсия ва стипендиялардан иборат бўлган (1-жадвал). Фарзандларига ёрдам бериш имконияти қишлоқ жойларидаги ота-оналарда шаҳардагиларга қараганда кўпроқ эканлиги кўринди.

1-жадвал

**Оилада қўшимча даромадлар манбаи мавжудлиги тўғрисида
респондентларнинг фикрлари**

	Аҳоли пункти		Жами
	шаҳар	қишлоқ	%
	%	%	%
Бор	32,5	20,0	30,0
Йўқ	65,6	80,0	68,5
Жавоб беришга қийналган	1,9	-	1,5
Жами:	100,0	100,0	100,0

Жадвал 2017 йилда ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Моддий трансфертларга фақат пул эмас, балки, турли буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам кириши ҳисобга олинадиган бўлса, қишлоқ жойларидаги ота-оналарнинг фарзандларига айнан шундай ёрдам кўрсатишлари эҳтимоли юқори бўлади, деб хулоса қилиш мумкин. Фикримизча, моддий трансфертларнинг бундай турларини пул билан ўлчангандаги қиймати юқори бўлмасада, бундай ёрдамнинг тез-тез амалга оширилиши фарзандларни қўллаб-қувватлаш даражасини анча оширади. Бундан ташқари, моддий ва маънавий-психологик ёрдам кўрсатиш, турли ахборот ва ҳаётий тажрибаларни ёшларга ўргатиш, ҳар хил ҳаётий ҳолатларда фарзандларни қўллаб-қувватлаш ҳам трансфертларнинг бир тури ҳисобланади. Шу ўринда оиланинг учта авлоди ўртасидаги ўзаро ёрдам тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бунда ота-оналарнинг фарзандларига кўрсатадиган ёрдами эҳтимоли уларнинг ўз ота-оналарига берадиган ёрдамлари давомида ортиб боради. Буни ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам кўрсатди.

Оиланинг катта авлод вакилларига ёрдам кўрсатиш, уларга ғамхўрлик қилиш зарур эканлигини англаган ўрта авлод вакиллари, ўз фарзандларига ҳам шунчалик ёрдам кўрсатиш, уларни кўллаб-қувватлашга ҳаракат қиладилар. Азал-азалдан ўзбек оилаларида кекса ота-оналарга ғамхўрлик қилиш одатга айланган бўлиб, бу анъана сифатида ҳозирги кун оилаларида ҳам сақланиб қолган ва давом этиб келмоқда. Шу ўринда бундай анъанага шаҳардаги оилаларга қараганда қишлоқ оилаларида кўпроқ риоя қилинишини ҳам таъкидлаш керак. Ўз фарзандларини кўллаб-қувватлаш учун инвестиция йўналтираётган ота-оналарнинг кўпчилиги келажакда фарзандларидан ҳам худди шундай ёрдам бўлишига умид қиладилар.

Авлодлараро трансфертлар масаласини ўрганиш давомида, қандай сабаблар ота-оналарни фарзандлари учун инвестиция қилишга ундашини билиш муҳим ҳисобланади. Социологик сўров натижалари шуни кўрсатдики, ота-оналарнинг фарзандлари келажакдаги учун инвестициялар йўналтиришининг асосий сабаблари бу уларнинг фарзандлар олдидаги бурчи, ўз кексалигини таъминлаш, анъаналар ҳисобланади. Айни пайтда респондентларнинг кўпчилиги бундай саволга жавоб беришга қийналган.

Сўровда иштирок этган ота-оналарнинг мотивацияларини ўрганиш, ўзбек оилаларида фарзандларни кўллаб-қувватлашда альтруистик мотивлар устунлик қилишини кўрсатди, яъни ота-оналар аксарият ҳолларда фарзандларига беминнат ёрдам беришлари маълум бўлди. (2-жадвал)

2 - жадвал

**Ота-оналарни фарзандларга инвестиция қилишга
ундовчи мотивлар, %**

Фарзандларга инвестиция қилишга ундовчи мотивлар	Аҳоли пункти		Жами
	шаҳар	Қишлоқ	
Қариликни таъминлаш	10,0	5,0	9,0
Ота-оналарнинг мажбурияти	31,3	27,5	30,5
Уларни ўзига тўқ бўлиб яшаши учун	12,5	12,5	12,5
Маданий анъаналарни сақлаш	1,3	7,5	2,5
Бошқалар	2,5	-	2,0
Жавоб беришга қийналади	42,5	47,5	43,5
Жами:	100,0	100,0	100,0

Жадвал 2017 йилда ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Респондентларнинг фақат саккиздан бир қисмидагина эгоистик мотивлар мавжуд эканлиги намоён бўлди. Лекин ғарб олимлари соф альтруизм бўлмаслигини, кўрсатиладиган ҳар қандай ёрдамдан келгусида

у ёки бу даражада фойда олишга умид бўлишлигини исботлаб берганлар. Уй хўжалигининг жон бошига тўғри келадиган даромади ва фарзандларга кўрсатиладиган ёрдам миқдори ота-оналарнинг оладиган даромади ва маълумот даражасига боғлиқ. Даромаднинг икки мартага кўпайиши ота-оналарнинг фарзандларига берадиган ёрдамларининг ҳам ортиш эҳтимолини оширади. Демак, катта авлоднинг даромади қанча юқори бўлса, кичик авлодларга моддий ёрдам кўрсатиш эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Ҳозирги кундаги ўзбек оилалари асосан ўрта ҳисобда учта фарзанди бўлган оилалардир. Оилада қайси фарзандга кўпроқ ёрдам кўрсатилади, ёки уларнинг ҳар бирига тенг ёрдам бериладими, фарзандларга йўналтирилган инвестициялар асосан қайси йўналишда бўлади, деган саволларга жавоб топиш алоҳида аҳамият касб этади.

3- жадвал

**Уй хўжаликларининг 18 ёшгача бўлган фарзандларга
йўналтириладиган маблағлари, %**

18 ёшгача бўлган фарзандларга харажатлар	Аҳоли пункти		Жами
	шаҳар	Қишлоқ	
1% дан 5% гача	3,1	0,0	2,5
5% дан 10% гача	6,3	7,5	6,5
10% дан 25% гача	8,1	15,0	9,5
25% дан 50% гача	6,9	7,5	7,0
50% дан 100% гача	3,1	0,0	2,5
Жавоб йўқ	72,5	70,0	72,0
Жами:	100,0	100,0	100,0

Жадвал 2017 йилда ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Тадқиқотлар фарзандларга кўрсатиладиган ёрдам ота-оналарнинг ёшига боғлиқ эмаслигини, аксинча, авлодлараро трансфертларнинг тақсимланишига фарзандларнинг ёши муҳим омил сифатида таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатди. Баъзи бир оилаларда эса даромадларнинг ярмига яқини балоғат ёшига етмаган фарзандларга сарфланиши маълум бўлди. Айни пайтда шунинг ҳам таъкидлаш керакки, аксарият респондентлар саволни жавобсиз қолдирган. Бундай ҳолат оилалар фарзандларига сарфланадиган маблағларини ҳисоб-китоб қилмасликларидан ҳам далолат бериши мумкин. (3- жадвал). Бундан ташқари замонавий оила балоғат ёшига етмаган фарзандларининг таълим олиши учун қўшимча маблағлар ҳам сарфлайди. Бу ерда деярли барча респондентлар саволларга жавоб берганлиги маълум бўлди, чунки уй хўжаликлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, фарзандларининг

кўшимча таълим олиши учун маблағ сарфлайдилар (4-жадвал).

4-жадвал

18 ёшгача бўлган фарзандларга йўналтириладиган маблағлар

Фарзандларга йўналтирилган кўйилмалар	Аҳоли пункти		Жами
	шаҳар	қишлоқ	%
	%	%	
Кўшимча таълим (репетитор, хусусий дарс олиш)	20,6	15,0	19,5
Ижодий ривожланиш, спорт тўғараклари	18,8	17,5	18,5
Имконият йўқ	18,1	25,0	19,5
Оила бошлиқларидан бири бундай ҳаражатларга қарши	1,9	2,5	2,0
Бошқа	2,5	0,0	2,0
Жавоб йўқ	38,1	40,0	38,5
Жами:	100,0	100,0	100,0

Жадвал 2017 йилда ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Сўров натижаларидан уй хўжалиklarининг 18 ёшгача бўлган ёш авлодларида ота-оналардан ёрдам олиш эҳтимоли 20 ёшдан катта бўлганларга қараганда анча юқори бўлиши, оиланинг 25—34 ёшда бўлган “бола”ларида эса ундай имконият анча чагараланганлиги кўринди. Демак, энг кичик авлодда ота-оналардан моддий ёрдам олиш эҳтимоли юқори бўлиб, бундай ҳолат оила ҳаётий циклининг моделига мос келади. Ўтказилган тадқиқот натижаларидан яна шу маълум бўлдики, ота-оналардан таълим масканларида ўқийдиган болалар ўқимайдиганларга қараганда кўпроқ ёрдам олар эканлар.

Ота-оналардан олинadиган ёрдамнинг миқдори оиладаги фарзандлар сонига ҳам боғлиқ. Оилада фарзандлар сонининг ортиб бориши ота-оналарнинг уларга йўналтирадиган ресурсларининг миқдорини камайиб бориши эҳтимолининг юқори бўлишига олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, бунда бир томондан фарзандларнинг ҳар бирини ота-она учун масъулияти камаяди ва бу ўз навбатида кичик авлоддан катта авлодларга йўналтириладиган трансфертларга ҳам таъсир кўрсатади. Катта авлод вакилларида ёрдам олиш ёки олмаслик эҳтимоли фақат отаси ёки фақат онаси билан яшайдиган болаларга нисбатан, ота-оналари биргаликда ҳаёт кечирадиган болаларда каттарок бўлишини тадқиқот натижалари яна бир бор кўрсатди.

Иқтисодийнинг жадал ривожланиши меҳнат бозорида рақобат курашини кучайтиради. Бундай шароитда мана шу бозорга кириб келадиган ёшлар тегишли ва етарли даражада маълумотга эга бўлишлари керак. Бунда албатта, оиланинг ёрдами катта бўлади. Тадқиқот ўтказилган уй хўжалиklarида фарзандларга керакли маълумот бериш масаласини

Ўрганиш шуни кўрсатдики, шаҳарда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам респондентларнинг ярмидан кўпи фарзандларига олий маълумот беришга қарор қилган (5-жадвал). Қишлоқ ва шаҳар жойларида сўровда иштирок этганларнинг мувофиқ равишда 16,3% ва 5,0% фарзандларининг барчасига эмас, фақат бир қисмига олий маълумот беришни режалаштирганлигини айтган бўлса, учдан бир қисми ўрта-махсус таълим ҳам етарли, деб ҳисоблаган. Тадқиқот натижаларидан ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам фарзандларининг олий маълумотли бўлиши учун ҳаракат қилмаслиги аён бўлди.

5-жадвал

**Ота-оналарнинг фарзандларга олий маълумот бериш
борасидаги режалари**

	Аҳоли пункти		Жами
	Шаҳар киши %	Қишлоқ киши %	Киши %
Ҳа, барча фарзандларимни олий маълумотли қилишни режалаштирганман,	46,3	55,0	48,0
Режалаштирганман, лекин ҳаммасини эмас	16,3	5,0	14,0
Бундай режам йўқ	8,8	-	7,0
Қолледж/лицейни битирса бўлди.	18,8	20,0	19,0
Фарзандларим олий ўқув юртларида ўқимокда	3,8	10,0	5,0
Жавоб беришга қийналаман.	6,3	10,0	7,0
Жами :	100,0	100,0	100,0

Жадвал 2017 йилда ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Шаҳарликларнинг 24,6% ва қишлоқ жойларида яшовчиларнинг 31,1% бунинг сабабини маблағ етишмаслиги билан изоҳлаган. Демак, катта авлоддан оиланинг ёш авлодларига йўналтириладиган трансфертлар икки томоннинг имкониятлари ва эҳтиёжлари билан белгиланади.

Маълумки, азалдан ўзбек оилаларида маблағлар кўп ҳолларда ўғил фарзандларга йўналтирилган. Бунда уларга оиланинг келажақдаги боқувчиси деб қаралган. Лекин тадқиқотларимиз натижаларидан ҳозирги кунга келиб бундай ўрнашиб қолган фикрлар ўзгарганлиги маълум бўлди. Қишлоқ жойларида ҳам, шаҳар жойларида ҳам жуда оз сонли респондентлар қизларни олий маълумотли қилиш шарт эмас, деб

ҳисоблайдилар. Шундан ҳулоса қилиш мумкинки, замонавий ўзбек оилалари қизми, ўғилми, моддий имкониятлари етса фарзандларининг барчасини таълим олиши борасида ғамхўрлик қилади.

Моддий трансфертлар моддий ёрдамнинг барча турларини (авлодлар ўртасида узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва кўчмас мулкни беғараз айирбошлаш, қимматбаҳо совғалар қилиш ва б.), ҳамда молиявий ёрдам (пул кўринишидаги ва бошқа молиявий активларни пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пул сифатида беғараз бериш, уй-жой–коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, озиқ –овқат маҳсулотларини сотиб олиб бериш ва ҳ.к) ни ўз ичига олади.

Таъкидлаб ўтилганидек, оиланинг ёш авлодларига йўналтирилган трансфертларга меърос ҳам киради. Ўтказилган социологик тадқиқот натижалари шаҳарда яшовчилар ҳам, қишлоқда яшовчилар ҳам ўз хонадонлари ва уйларини, ер участкаларини, автомобилларини меърос сифатида фарзандларига ўтказиб берганликларини кўрсатди(6-жадвал). Шу билан бирга шаҳарликларнинг 17,5% ва қишлоқда яшовчиларнинг 12,5% фарзандларига ҳеч қандай меърос бермаганликлари ҳам маълум бўлди.

6-жадвал

Фарзандларга берилган моддий бойликлар турлари


Моддий бойликлар турлари	Аҳоли пункти		Жами
	шаҳар	қишлоқ	
Уй /хонадон	57,5	52,5	56,5
Ер участкаси	8,1	15	9,5
Автомобиль	6,9	7,5	7
Бизнес	1,9	7,5	3
Банкда счот ёки жамғарма	1,9	2,5	2
Ҳеч нарса	17,5	12,5	16,5
Жавоб беришга қийналган	4,4	2,5	4
Бошқа сабаб	1,9	-	1,5
Жами :	100,0	100,0	100,0

Жадвал 2017 йилда ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Ўтказилган социологик тадқиқот натижалари оиланинг энг катта авлоди, яъни бобо ва бувилар ҳам инвестицион жараёнда қандай иштирок этишларини кўрсатди (ёш оилага, жумладан, набираларга ёрдам). Тадқиқот натижалари сўровда иштирок этганларнинг катта қисми фарзандларининг болаларини тарбия қилишга, уларни таълим олишига

кўмаклашишини, нафақаларининг бир қисмини набиралари учун сарфлашини, маблағ жамғаришини кўрсатди (1-расм).

Авлодлараро трансфертлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар кейинги авлодларга секин-секин ўтказиб борилади. Ўтказилган тадқиқотларимиздан кўринадики, оилада моддий трансфертларнинг асосий оқими катта авлоддан кичик авлод томон йўналтирилади. Шундай экан, давлат томонидан оширилган қариллик пенсиялари оилада ёш авлодлар ўртасида тақсимлангани сабаб, кексаларнинг турмуш фаровонлиги ўзгармайди. Масалага бошқа томондан қаралса, яъни, оиланинг ёш авлодлари моддий жиҳатдан етарли даражада таъминланган бўлса ва ёрдамга зарурат бўлмаса, қуйига йўналтирилган трансфертлар оқими шунча кам бўлади.




1-расм. Набираларга йўналтирилган трансфертлар

2017 йилда ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ёшларнинг турмуш даражасини ошириш пенсия ёшидаги кишиларнинг турмуш даражасини оширишнинг муҳим йўллари билан бири ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, авлодлар ўртасида нафақат моддий трансфертлар, балки маънавий трансфертлар ҳам тақсимланади. Улар таркибига оилавий анъаналар, маданий қадриятлар, ҳурмат, эътиқод ва бошқалар киради. (2 – расм). Оиланинг кекса авлоди миллий ва маънавий бойликларни кейинги авлодга етказишда алоҳида роль ўйнайди. Улар оилада шаклланган анъаналар, қадриятларни фарзандлар ва набираларга моддий бойликлар қаторида меърос қилиб қолдирадилар.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, бошқа мамлакатлардаги каби ўзбек оилаларида ҳам фарзандларга кўрсатиладиган ёрдамда альтруистик мотивациялар устунлик қилади, яъни ота-оналар кўп

холоатларда ўз фарзандларига беғараз, ҳеч нарсага умид қилмасдан ёрдам кўрсатадилар. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳаётда соф альтруизмни учратиш жуда мушкул, негаки, ҳар қандай хатти-ҳаракат у ёки бу даражада келажакда ундан бирор наф (манфаат) олиш умидида амалга оширилади.



2-

расм. Маънавий трансфертлар

2017 йилда ўтказилган социологик сўров натижалари асосида тузилди.

Ўтказилган тадқиқотлардан шу аён бўлдики, фарзандларга ёрдам кўрсатишда ота-оналарнинг ёши у даражада аҳамиятга эга эмас экан. Лекин, қуйига йўналтирилган авлодлараро трансфертларни тақсимлашда фарзандларнинг ёши асосий омил бўлиб ҳисобланади. Одатда оиланинг кичик авлодлари ёши ортиб борган сари уларнинг ота-оналаридан оладиган моддий ёрдамлари миқдори камайиб боради. Бундай ёрдам асосан оиланинг 18 ёшгача бўлган авлодларига кўпроқ кўрсатилади. Одатий ҳаёт цикли қоидаларига тўғри келади, чунки оиланинг 20 ёшдан ошган аъзоси маълум даражада ўзини-ўзи моддий жихатдан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оиланинг ёш авлодлари орасида ўқувчилар кўпроқ моддий ёрдам оладилар. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар оилада ака-ука ва опа-сингиллар кўп бўлса, оиланинг ҳар бир ёш авлодини ота-онадан моддий ёрдам олиш имконияти юқори бўлмайди, чунки жон бошига тўғри келадиган ресурс миқдори кам бўлади.

Ўзбекистонда кекса кишилар сонининг мунтазам ортиб бориш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Ҳам мутлақ, ҳам нисбий кўрсаткичлар

ўсиб бормоқда. Агар 2005-2010 йиллар оралиғида бундай аҳоли сонининг ўсиш суръати 112,6% бўлган бўлса, охириги беш йилликда 130,6%ни ташкил этди.

Юқорига йўналтирилган трансфертлар – бу ота – оналарнинг меҳнатга лаёқатли фарзандларидан олинган маблағлари бўлиб, бундай трансфертларнинг долзарблиги иккита замонавий тенденция, яъни, биринчидан, оиладаги фарзандлар ўртача сонининг камайиши ва иккинчидан, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги кўрсаткичининг ошганлиги билан боғлиқ. Ўзбекистонда умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, сўнгги ўн йил ичида ушбу кўрсаткич 1,8 йилга ошди. Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлганлар сони 863,0 минг кишига ёки 47% га ошди. Оилаларда болалар сонининг қисқариши яқин ва узок келажакда авлодлараро трансфертлар муаммосининг долзарблигини оширади. Ҳозирги кун ёшларининг иккита-учта фарзанд кўришни афзал билиши, республикада демографик қаришнинг бошланиш жараёнини ҳисобга олинадиган бўлса, келгусида аҳолининг ёш таркиби ва оилалар таркибида ўзгаришларга олиб келади.

Аҳолининг қариши касалликларнинг кўпайиши, сурункали касалликлар ва ногиронлар сонининг нисбатан ортиши билан кечадиган жараён бўлиб, давлат бундай кишиларни қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини ҳар доим ҳам амалга ошира олмайди. Бундай шароитда оиланинг ёш авлоди томонидан кекса авлодни қўллаб-қувватланиши жуда муҳим ҳисобланади. Оилада тўпланган бойлик ва кадриятларни кейинги авлодларга мерос қилиб қолдириш, табиийки, ота-оналар, фарзандлар ва қариндошлар ўртасидаги муносабатлар орқали амалга ошади. Ўзбекистонда миллатнинг ривожланиши ва маънавий мероси анъанавий оилавий кадриятларни сақлаб қолиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги жамият томонидан ҳам, давлат томонидан ҳам эътироф этилади.

Республикада иккита ота-она ва уларнинг фарзандларидан ташкил топган нуклеар оилалар билан бирга, уч авлоддан ташкил топган мураккаб оилалар ҳам мавжуд бўлиб, уларда катта авлод вакиллари фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятнинг бир қисмини ўз зиммаларига оладилар. Катта бобо ва бувиси билан яшаш ёш авлоднинг баркамол бўлиб шаклланишининг муҳим омили ҳисобланади. Оиланинг катта аъзолари орқали оилавий кадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар сақланиб қолади ва авлоддан авлодга ўтиб боради.

Ўзбек оилаларида асрлар давомида шаклланган авлодлар бирдамлиги анча мустаҳкамдир. Оиланинг ҳаёт фаолиятида авлодлар ўртасида ҳам моддий ёрдам, ҳам инструментал трансфертлар алмашинуви амалга

оширилади. Катта авлод набираларини тарбиялашда иштирок этади, кундалик ишларда кўмаклашади, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги яқин қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, шунингдек, шахсий жамғармалари ва пенсиялари ҳисобидан фарзандларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда улар болалар ва набиралардан ёрдам олишади. Республика оилаларида ота-оналар ва кекса авлод вакилларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш анъанавий тарзда сақланиб қолган.

Социологик тадқиқот натижаларидан фарзандларнинг ота – оналарига қиладиган трансферт ўтказмалари икки кўринишда, яъни моддий қадриятлар ва ёрдам учун кетадиган вақт кўринишида бўлиши маълум бўлди. Сўров натижалари фарзандлар ота-оналарини барча йўналишларда қўллаб-қувватлашларини кўрсатди. Сўровда иштирок этган уй хўжаликларида юқорига йўналтирилган трансфертлар таркибида моддий трансфертлар катта улушни (56 %) ташкил этади. Бундан ташқари, ҳар учинчи респондент ота-онасига хўжалик ишларида ёрдам бериши, уларнинг касаллигида ғамхўрлик қилиши ва кекса авлодни психологик ва руҳий қўллаб – қувватлашини таъкидлаган. Шу билан бирга айрим респондентлар пул маблағларининг етишмаслиги (30,7%), ота-оналарнинг моддий жиҳатдан яхши таъминланганлиги, бошқа шаҳарда истиқомат қилиши сабабли уларга камроқ ёрдам кўрсатишини таъкидлаганлар. Баъзи респондентлар (6,4%) ногиронлиги туфайли ўзлари ёрдамга муҳтож эканликларини сабаб қилиб кўрсатишган. Оилавий ва қариндошлик алоқалари ўзаро мулоқот, турли хилдаги оилавий ва шахсий муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, инсоннинг энг яқин қариндошлари муносабатлар доирасини белгилайди. Яқин қариндошлар инсоннинг кундалик ҳаёти давомида ҳам, қийин шароитларида ҳам зарур бўладиган ижтимоий капитални ташкил қиладилар. Агар оилада ёш болалар ёки қариялар бўлса, қариндошларнинг ёрдами тенгсиз бўлади.

Адабиётларда оилаларнинг нуклеарлашувига олиб келган индустриализация ва урбанизация жараёнлари натижасида бир пайтлар мустаҳкам бўлган оилалар ва авлодлараро муносабатлар ўз аҳамиятини йўқотди, деган қарашлар мавжуд. Бироқ, ғарбда ўтказилган кўплаб тадқиқотларда ота-оналар ва уларнинг катта фарзандлари ўртасидаги алоқалар юқори даражада эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд[4]. Маълумки, Ўзбекистонда оилавий муносабатлар ва мустаҳкам қариндош-уруғчилик анъаналари тарихан шаклланган ва улар доимо қўллаб-қувватлаб келинган. Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам фарзандларнинг ота-оналари билан фаол мулоқот қилишларини кўрсатади. Бунга вақт топа олмайдиган респондентларнинг улуши жуда

кам (7%). Тадқиқот натижалари фарзандлар ўз ота-оналари олдидаги бурчларини астойдил бажаришга катта масъулият билан қарашларини кўрсатди (95,5%, шу жумладан қишлоқ жойларида - 100%). Ўзбек оилаларида анъанавий тарзда катта ёшдагиларга ҳурмат кўрсатилади.

Таdqиқот давомида кекса авлодни кўллаб-қувватлаш сабаблари турлича эканлиги маълум бўлди. Лекин, жавоблардан кўриндики, фарзандлар ота-оналар олдидаги бурчларини биринчи ўринга қўядилар. Респондентларнинг фарзандларни ота-оналар олдидаги бурчлари тўғрисидаги фикрларига миллий ва диний омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Маълумки, ислом дини қоидаларида кекса авлодга ҳурмат ва эътибор кўрсатиш масаласига алоҳида урғу берилган. Куръони Каримнинг “Исро” сурасида “Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди”, деган оят келтирилган. Бундан ота-онага яхшилик қилиш Аллоҳнинг ибодатидан кейинги келадиган иш эканлиги алоҳида таъкидланганлиги кўриниб турибди. “Бу икки ҳукмнинг бир оятдаги ягона жумлада баён қилинишининг ўзиёқ Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улуғ эканини кўрсатади”[5].

Хулоса ва таклифлар. Респондентларнинг жавобларидан ўзбек оилаларида ёш авлоднинг кекса авлодга, шу жумладан ота-онага бўлган ҳурмати каби асрлар давомида шаклланган юксак ахлоқий фазилатлар ва кадриятлар болаликдан сингдирилиши ва бу кадриятларни кейинги авлодларга етказишда айнан бобо ва бувиларнинг роли катта эканлиги ўз тасдиғини топди. Маълумки, кекса авлод кишилари ёш хусусиятларига кўра нафақат моддий, балки маънавий ёрдамга, эътиборга ва яхши парваришга муҳтож бўладилар. Ўзбек оилаларида унинг кекса ва ёш аъзоларига ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, бобо ва бувилар, ота-оналар, яқин қариндошлар олдида мажбурият ҳиссини туйиш, уларга нисбатан эътиборли бўлиш каби сифатлар кичик авлод вакилларига ёшлигидан сингдириб борилади. Шу билан бирга, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар сифатига, психологик муҳитга оила аъзоларининг айнан оилада шаклландиган шахсий сифатлари, ҳаётий принциплари, маънавияти таъсир кўрсатади. Бошқа таdqиқотлардаги каби 2017 йилда ўтказилган таdqиқот натижалари ҳам республика оилаларида ота-оналар, кекса авлодга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг анъанавий эканлигини кўрсатди.

Илмий адабиётларни ўрганиш шундан далолат берадики, пенсия ёшидаги кишиларнинг ўз фарзандларидан оладиган трансфертлари, одатда икки гуруҳга бўлинади: моддий (пул маблағлари, совғалар ва меърос) ҳамда номоддий (парваришлаш билан боғлиқ хизматлар, ҳамда инструментал ёрдам).

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан фарзандлар ота-оналарини барча йўналишда қўллаб-қувватлашлари ҳамда улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари маълум бўлди. Улар ота-наларига кийим-кечак, маиший буюмлар, озиқ-овқат, дори-дармон сотиб олишда, кўрсатиладиган тиббий хизмат учун ҳақ тўлашда ёрдам беришлари маълум бўлди. Социологик сўровда иштирок этган уй хўжаликларида юқорига йўналтирилган трансфертлар таркибида 56%ни моддий трансфертлар ташкил қилади. Эмоционал-психологик трансфертлар эса 6,0%ни ташкил этади.

Юқорида келтирилган натижалар Ўзбекистонда авлодлараро иқтисодий муносабатлар (оилавий трансфертлар)ни ўрганиш борасидаги илк қадамлар бўлиб, бу борада тўлиқ тасаввурларга эга бўлиш учун муаммони кенг миқёсда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Манхейм К. Очерки социологии знания. Цит. По: Экономика Народонаселения. Учебник. МГУ. М.: Издание ИНФРА-М, 2007. С.305
2. Население Узбекистана. 2017. Госкомитет по статистике. Т.: 2017. С.70
3. Обследование домашних хозяйств в развивающихся странах и странах с переходной экономикой. ООН, Нью-Йорк, 2008.
4. Синявская О.В., Гладникова Е.В. Взрослые дети и их родители: интенсивность контактов между поколениями /В сб. «Родители и дети, мужчины и женщины в семье и обществе». М.: НИСП, 2007. С..519.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Т.: Sharq. 2011. 356-357 б.

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

